



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТ**

**АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ
ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ВА ДЕХҚОНЧИЛИК
КАФЕДРАСИ**

KURS ISHI

Бажарди: Мусаев Д

Текширди: Маволов Б

САМАРҚАНД – 2016

ЛОВИЯ

РЕЖА:

1. Ловияаҳамияти, ишлатилиши, тарқалиши, экин майдонлари.
2. Ботаник тавсифи ва биологик хусусиятлари
3. Етиштириш технологияси ва навлари.

Ловия-кенг тарқалган озиқ-овқат экини. Асосан унинг уруғлари, яшил дуккаклари, консерваланган дуккакларидан фойдаланилади. Уруғларини мазаси яхши, тез пишади ҳамда ҳазмланади. Уруғларида 28-30% яшил дуккакларида 18% оқсил сақланади. Унинг яшил дуккакларида 2% қанд, шунингдек 100 г массасида 22 мг витамин сақланади.

Йирик уруғли ловиянинг ватани - Америка. Майда уруғли ловия (мош) –ватани Жанубий Осиё.

Жаҳон деҳқончилигида ловия 27 млн.гектар майдонга экилади. Уруғ ҳосилдорлиги 10-35 ц/га.

Ботаник тавсифи. Ловиянинг 150 ортиқ тури бўлиб, шулардан қуйидаги турлари экин сифатида кенг тарқалган:

Оддий ловия (*Phaseolus vulgaris* Savi) пояси туп ёки чирмашадиган. Дуккагида 3-5 уруғ бўлади. 1000 уруғ вазни 200-400 г. Уруғ ранги турлича, оқдан тўқ сариқгача.

Кўпгулли ловия (*Phaseolus multiflorus* wilot) узун чирмашадиган пояси, оқ ва қизил гуллари, йирик уруғлари бор, 1000 уруғ вазни 700-1200 г.

Ўткир баргли ловия (*Phaseolus acutifolius* A.igray.) туп шаклида, дуккаклари ясси, уруғи нисбатан майда-100 уруғ вазни 100-140 г. курғоқчиликка чидамли.

Лима ловияси ёки ойсимон (*Phaseolus lunatus* L.) тупсимон шаклда, кенг, қисқа, ясси дуккакларида 2-3 уруғлари бор, тез ёрилади.



Ловия. 1,2-ўсимликнинг иккинчи учталиқ баргини ҳосил бўлиши ва гуллаш мева ҳосил қилиш фазалари; 3-учталиқ барг ва гул; 4-дуккаклар; 5-уруғ.

Биологик хусусиятлари. Оддий ловия бир йиллик, қисқа кун ўсимлиги. Иссиқсевар. Уруғлари 10-12 °C униб бошлайди. совуққа чидамсиз, майсалари 0,5 °C совуқда nobуд бўлади.

Айрим навлари –2 °C совуққа бардош беради.

Ловия намсевар ўсимлик. Тупроқда намлик ЧДНС нинг 70% кам бўлмаганда юқори ҳосил шаклланади.

Тупроқ муҳити pH-6,5-7 бўлганда яхши ўсади, унумдор, бегона ўтлардан тоза тупроқларда юқори ҳосил беради.

Яшил дуккаги учун экиладиган «Олтин» нави Давлат реестрига киритилган.

Ловияни суғориладиган ерларда етиштириш. Ловия қатор оралари ишланадиган экин сифатида алмашлаб экишда кузги дон экинлари, ғўза, картошка, полиз экинлари, маккажўхори, канд, лавлагидан кейин жойлаштирилади. Шунингдек кузги дон экинлари, эртаги картошка ва сабзавот экинларидан кейин анғизда экилади. Склеротиния касаллиги тарқалган жойларда ловияни кунгабоқардан кейин жойлаштириш тавсия этилмайди. Уни кузги дон экинлари nobуд бўлган ёки жуда сийраклашиб кетган далаларга қайта экиладиган экин сифатида ўстириш мумкин. Ловия кузги дон экинлари, маккажўхори, ғўза учун яхши ўтмишдош.

Ловия маккажўхори, шунингдек картошка билан ҳам аралаштирилиб экилади.

Тупроқни ишлаш. Ловия экиладиган дала кузда чуқур 27-30 см шудгор қилинади, эрта баҳорда бароналанади, экиш олдида култивация қилиниб, мола босилади.

Ўғитлаш. Ловия экиладиган далага шудгорлашдан олдин фосфорли, калийли ўғитлар берилади. Ҳар гектар ерга фосфорли, калий ўғитларни йиллик меъёри 60-100 ва 40-80 кг солинади. Органик ўғитлардан чириган гўнг гектарига 10-15 т ерни ҳайдаш олдидан бериш уруғ ҳосилини ошишини таъминлайди. Азотли ўғит экиш олдидан култивация билан гектарига 10-25 кг берилади. Ловияга экиш олдидан кул солиш ҳосилдорликни ошириш билан биргаликда ҳосил пишишини ҳам тезлаштиради.

Экиш – учун бегона ўтлар уруғларидан, майдаланган ҳамда касалланган уруғлардан тозаланиб, сараланган уруғлардан фойдаланилади. Экишдан 20-30 кун олдин Паноктин билан 200 г/ц уруққа ҳисобида ишланади. Бевосита экиладиган кун нитрагин билан инокуляция қилинади. Экишдан олдин уруғларни офтобда ёйиб қуритиш уруғлар унувчанлигини яхшилайдди.

Ловия кеч экиладиган экин. Уни уруғлари ер музлаш хавфи ўтиб кетгандан кейин экилади. Майсаларни бир текис қийғос униб чиқиши учун тупроқ уруғ кўмиладиган чуқурликда 12-14⁰С қизиганда экиб бошланади. Қизимаган тупроқларга экилганда экиш-униб чиқиш даври чўзилиб кетади, кўпинча майса ҳосил қилмай чириб кетади. Ловия қатор оаралири 45-60 см қилиб экилади. Ўзбекистонда ловия пунктирлаб қатор ораси 60 см қилиб экилади. Экиш 60х60 см схемада, ёки қўш қаторлаб ўтказилиши мумкин.

Экиш меъёри уруғларни йириклигига қараб 0,3-0,4 млн. уруғ/га ёки гектарига 80 кг дан 120-260 кг экилади. Экиш чигит, маккажўхори, ер-ёнғоқ экадиган сеялкаларда ўтказилади. Экиш чуқурлиги 5-6 см дан 8 см ўзгариши мумкин.

Ловия парваришида экинзор бегона ўтлардан тоза, тупроқ ғовак, юмшоқ ҳолда сақланиши талаб этилади. Ўзбекистон шароитида ловия ўсув даврида 4-5 марта 500-600 м³/га меъёрида суғорилади, қатор оралари бир неча марта култивация қилинади, жўяк олинади, қўшимча озиклантирилади. Экин ҳолатига қараб қўшимча озиклантириш шоналаш фазасида ўтказилиши мумкин. Дон учун экилганда ўсимлик етилиб, сарғайиб тўкилганда, дуккакларни асосий қисми пишиб, донлар қаттиқлашганда ўриб-янчиб олинади. Ўриш кечикканда дуккаклар ёрилиб донлар тўкилиб кетиши мумкин.

Уруғлар тозалангандан кейин намлиги 15-16 % ҳолатида, шамоллатиб туриладиган биноларда сақланади. Ловия кўк дуккаклари учун экилган бўлса, ҳосил дуккаклардаги дон меъёридаги катталиқнинг учдан бир қисмига тенг бўлганда йиғиб бошланади. Ҳосил қўл билан 8-10 марта териб олинади. Кўк дуккаклар ҳосили 100-200 ц/га етади. Ҳосил олингандан кейин қолган поя ва барглари озиқа учун ишлатилади ёки яшил ўғит сифатида тупроққа хайдаб ташланади.

Foydalaniladigan asosiy darsliklar va o'quv ko'llanmalar ro'yxati

Asosiy darsliklar va o'quv qo'llanmalar

- 1.X.Atabaeva, O.Qodirxo'jaev-O'simlikshunoslik, T.Yangi asr avlodi, 2006, 298 b
- 2.X.Atabaeva va boshk-O'simlikshunoslik - T.Mexnat, 2000.
- Z.Oripov R, Xalilov N - O'simlikshunoslik - T.2008

Qo'shimcha adabiyotlar

1. Atabaeva X., Alimov A., "Donchilik", ma'ruza matni T.TashDAU, 2003, 34
2. Atabaeva X., Massino - "Biologiya zernovmx kultur" - Ma'ruza Matnlari T.2005g, 202s.
3. Atabaeva X.N., Xoliqov B - "Donli zkinlar biologiyasi" - Ma'ruza matnlari ToshDAU, 2003y, 90b.
4. O. Yaqubjonov, S. Tursunov. O'simlikshunoslik Toshkent 2008 y

Internet saytlari: [http://www. icac.org/](http://www.icac.org/)
<http://www.grain.ru>
[www. Plant protection.com](http://www.plantprotection.com)

Internet saytlari: [http://www. Icac/org/](http://www.icac.org/)
[http://www. referat;](http://www.referat.ru) [www. zin.ru.](http://www.zin.ru)
[www. referat;ru](http://www.referat.ru) [www. plant protection/com](http://www.plantprotection.com)